

МАКТАБ ЁШИГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ – Мактаб ёшигача бўлган болаларни бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш қоидаларининг полисни расмийлаштириш санасида амал қилган таҳрири асосида тайёрланган.

Суғурталовчининг реквизитлари: Тўлиқ номланиши:

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ Aksiyadorlik jamiyati

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шох кўчаси 13А-уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс/электрон почта): www.kafolat.uz, info@kafolat.uz

Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 999.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: №960718 серияли, Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 13 августда берилган.

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) «KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) қуйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали мактаб ёшигача бўлган болаларни бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари бўлиб Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ҳисобланадилар.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали ёки мақбул усулда суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларига мувофиқ ушбу Офертада Суғурталовчи билан мактаб ёшигача бўлган болаларнинг саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкрий манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан қуйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;

- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 1 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва ёки мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошқор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

Мазкур Мактаб ёшигача бўлган болаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича оммавий оферта (кейинги ўринда Оферта) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Мактаб ёшигача бўлган болаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартларини белгилайди.

Суғурталанган мактаб ёшигача бўлган болаларнинг саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва Наф олувчи шахслар суғурта субъектлари бўлиб ҳисобланади.

I. Умумий шартлар.

Ушбу Офертада ишлатиладиган айрим атамалар қуйидаги маънони англатади:

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига асосан суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини олган юридик шахс – “KAFO LAT sug‘urta kompaniyasi” AJ.

Суғурта қилдирувчи – Ушбу Офертага биноан, ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкӣ манфаатларини суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурталанган шахс – Офертада/суғурта полисида кўрсатилган ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлари суғурта қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан муомила лаёқатига эга бўлган жисмоний шахс.

Наф олувчи – Офертага биноан суғурта таъминотини олувчи сифатида Суғурта қилдирувчи томонидан тайинланган жисмоний ёки юридик шахс. Агар Офертада Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда Наф олувчи сифатида Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрлари тан олинади.

Суғурта полиси - Суғурталовчи мажбуриятларининг кучга кирганини тасдиқлайдиган ва Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

Бахтсиз ҳодиса – Суғурталанган шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи хасталикка ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодиса.

Суғурта ҳодисаси – Ушбу Офертада кўзда тутилган воқеадир. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчида Суғурталанган шахсга/Наф олувчига суғурта таъминотини тўлаш мажбурияти пайдо бўлади.

Суғурта суммаси (пули) – Суғурталовчининг Офертага мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи олдидаги мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси.

Суғурта таъминоти - Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурталанган шахсга соғлиғини тиклаш учун суғурта суммаси (пули) доирасида тўланадиган пул миқдори.

Суғурта тарифи – суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофотини аниқлаш нормативи. Суғурта пулининг ҳажмига нисбатан мутлақ пул кўринишида ёки суғурта пулидан фоиз ҳисобида белгиланади.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта муддати – суғурта объектининг суғурта қилинган вақт оралиғи.

Географик ҳудуд - Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

II. Суғурта ҳодисаси.

2.1. Суғурта ҳодисаларига қуйидагилар киради:

а) саломатликнинг қатъий бузилиши, яъни саломатликнинг Суғурталанган шахснинг аъзоси жароҳат олиниши натижасида бузилиши (бахтсиз ҳодиса натижасида тана аъзоларининг чиқиши, жароҳат олиши, лат ейиши, суяк синиши (патологик синишдан ташқари), совуқ уриши, электр токи уриши, захарли ўсимликлар, кимёвий элементлар, дори-дармонлардан захарланиш (овқатланиш токсоинфекцияси – сальмонеллез, дезинтерия ва х.к. дан ташқари), клеш-инцефалит ёки полиеомиелит касаллиги билан касалланиши);

б) саломатликнинг суяк чиқиши, пай узилиши, ички аъзоларнинг шикастланиши, тана аъзоларининг қуйиши, жароҳат олиши, жароҳат натижасида чандиқ ёки пигмент доғлари ҳосил бўлиши, тишлар йўқотилиши, кулоқ пардаларининг йиртилиши, кўзга ўткир жисм киришидан жароҳат олиши натижасида бузилиши;

в) суғурталанган шахснинг ушбу бўлим “а” бандида таъкидланган ҳодисалар, шунингдек нафас олиш йўлларига бошқа нарса тикилиши, чўкиш, анафилактик шок, иссиқ уриши, тананинг совуқ уриши натижасида вафот этиши.

2.2. Қоидаларнинг 2.1. бўлими “а”, “б”, “в” бандларида қайд этилган ҳодисалар кейинги матнларда “жароҳат” деб юритилади.

III. Суғурта ҳодисаларидан истиснолар.

3.1. Қуйидагилар натижасида юзага келган ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) Суғурталанган шахснинг касалга чалиниши, шу жумладан юрак хуружи, озиқ-овқат токсикоинфекциялари (сальмонеллез, ичбуруғ ва б.), суғурта ҳодисалари рўйхатида келтирилган ҳодисалар натижасида касалланиш бундан мустасно;

б) Суғурталанган шахснинг ўзини-ўзи ўлдириши ёки ўзини-ўзи ўлдиришга қасд қилиши (Суғурталанган шахс учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур бўлиши бундан мустасно, буни суд аниқлайди);

в) Суғурталанган шахснинг атайлаб ўзига тан жароҳатлари етказиши;

г) ОИТВ (одам иммунитетни танқислиги вирусини) билан, шунингдек ушбу вируснинг ҳар қандай мумкин бўлган мутациялари ёки шакл ўзгаришлари билан боғлиқ касалликлари;

д) Суғурталанган шахснинг спорт мусобақаларида содир бўлган бахтсиз ҳодисалардан жароҳатланиши.

е) барча хилдаги ўткир сурункали ва наслий касалликлар (шу жумладан инфаркт, инсулт ва тўсатдан аъзоларни касалланиши, касалликни наслдан наслга ўтиш натижасида уни ривожланиши), анафилактик шок;

ж) суғурта шартномаси амалда бўлган пайтда юз берган Суғурта ҳодисаси туфайли олиб борилган даволаш билан боғлиқ бўлмаган касалликни даволаш (ташхис қўйиш) ва олдини олиш тадбирлари (дори юбориш);

з) ядро реакцияси, ядровий нурланиш ёки радиоактив ифлосланиш натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улар билан боғлиқ оқибатлар;

3.2. Шунингдек Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс (Нафдор) қуйидаги ҳаракатларни содир этганда суғурта ҳодисаси тан олинмайди ва у бўйича тўловлар амалга оширилмайди:

а) бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳақидаги хабарни суғурталовчига ўз вақтида (суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда) етказмаса;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳамда унинг оқибати билан ҳодиса ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки атайлаб ёлғон далилларни тақдим этса;

в) Суғурталовчига ваколатли бўлган шифокор-экспертнинг жабрланган шахсни кўздан кечириши учун имконият яратиш чораларини кўрмаса.

IV. Суғурта суммаси (пули), Суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби.

4.1. Суғурта пули суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси бўлиб, 8 000 000 сўмни ташкил этади. Суғурта мукофоти миқдори 30 000 сўм.

4.2. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

4.3. Тўлов тизимининг химояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

4.4. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олгандан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

4.5. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

4.6. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

4.7. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

4.8. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта

мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

V. Суғурта шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартиби.

5.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

5.2. Суғурта Шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

5.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

5.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

5.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда суғурта Шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

5.6. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

5.7. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

5.8. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачаси очилади;

5.9. Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш деб ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

5.10. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

5.11. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) суғурта мукофоти тўланганидан сўнг кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

VI. Суғурта шартномасининг тугаши ва муддатидан илгари бекор қилиниши.

6.1. Суғурта шартномаси куйидаги ҳолларда тугайди:

6.1.1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

6.1.2. Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули миқдоридаги суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини бажарганда;

6.1.3. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган муддат ва миқдорда суғурта мукофотини тўламаганда;

6.1.4. Жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки ҳуқуқий муомалага лаёқати чеклаб қўйилган деб топилганда;

6.1.5. Суғурталовчи қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича тугатилганда;

6.1.6. Суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;

6.1.7. Агар суғурта шартномаси/полисида битта Суғурталанган шахс назарда тутилган бўлса, мазкур Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта ҳодисасидан ташқари бошқа ҳолатларда вафот этган бўлса.

6.2. Томонлардан бири суғурта шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқса, бу тўғрисида иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.3. Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.5. Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурта қилдирувчининг қилаётган ишини аҳамиятига тушунмаганлиги ёхуд унинг фуқоралик лаёқати бўлмаганлиги ёки чекланганлиги кейинчалик, суғурта даврида маълум бўлса, суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

VII. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

7.1.1. Суғуртага тегишли бўлган масалалар бўйича Суғурталовчидан шартнома амал қилиш муддати ичида тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар олиш;

7.1.2. Суғурталовчини огоҳлантирган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

7.1.3. Суғурта таъминотини олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида бошқа шахсга ишончнома бериш;

7.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. Суғурта шартномасини тузиш пайтида аризада Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумот бериш;

7.2.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолда барча керакли ҳужжатларни жамлаш ва суғурта шартномасида/полисида кўрсатилган вақт ичида Суғурталовчига ариза билан мурожаат қилиш.

7.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

7.3.1. Суғурта шартномасини тузишда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси шартлари бажарилишини текшириш;

7.3.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолда, Суғурталанган шахсни тиббий кўрикдан ўтказиш учун юбориш ва мутасадди ташкилотлардан ушбу ҳодисага тегишли бўлган маълумотларни олиш;

7.3.3. Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган тўлиқ ҳужжатлар, шунингдек ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган ҳолда, мутасадди ташкилотларнинг қарори тақдим этилгунга қадар суғурта таъминоти масаласини кечиктириш.

7.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

7.4.1. Суғурта қилдирувчини/Суғурталанган шахсни суғурталаш шартлари билан таништириш;

7.4.2. Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта қилдирувчига суғурта полисини тақдим этиш;

7.4.3. Суғурта полиси йўқотилган ҳолда Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахсининг ёзма аризасига асосан унинг дубликатини Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга бериш;

7.4.4. Суғурта ҳодисаси бўйича барча ҳужжатлар жамлангач, ушбу Қоидалар талабига биноан белгиланган тартибда суғурта таъминотини тўлаш.

VIII. Суғурта таъминотини тўлаш тартиби ва шартлари.

8.1. Суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта таъминоти Суғурта қилдирувчига (тан жароҳати олган тақдирда – “KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ томонидан тасдиқланган “Суғурта ҳодисалари муносабати билан тўланиши лозим бўлган суғурта пули миқдорини аниқлаш жадвали”га асосан суғурта пулига нисбатан белгиланган фоиз ҳажмида), ёки Наф олувчига (Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда – суғурта пули миқдорида) тўланади. Суғурта шартномаси амал қилган даврдаги бир ёки бир неча ҳодиса бўйича жами тўловлар ҳажми суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта пули миқдоридан ошмаслиги шарт.

8.2. Суғурталанган шахс муомала лаёқатига эга бўлгандан сўнг 30 (ўттиз) иш куни ичида ёзма ариза ва талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

Бахтсиз ҳодиса бўйича суғурта пулини тўлаш тўғрисида Суғурта қилдирувчи ёки Манфаатдор шахс қуйидаги муддатларда Суғурталовчига мурожаат этиши лозим:

а) Суғурталанган шахснинг қўл-оёқлари, бармоқлари ампутация қилиниши, кўз қорачиғи ёки бирор ички органи (буйрак, ўпка, талоқ ва ҳ.к.) олиб ташланиши, кўзининг тўлиқ кўрмай қолиши бўйича – бахтсиз ҳодиса рўй берган кундан 1 йил муддат мобайнида;

б) Суғурталанган шахснинг тана терилари кенг доирада жароҳат олиши, бош ёки орқа миясининг контузия бўлиши бўйича – даволаниш тугагач ёки ногиронлик гуруҳи белгилангандан кейин, лекин ҳодиса рўй берган кундан бошлаб 1 йилдан ошмаслиги лозим;

в) бошқа барча ҳолларда (суяк синиши, эт узилиши, бўғинларнинг узилиши, тана аъзоларининг жароҳат олиши, лат ейиши, мия чайқалиши, куйиши, совуқ уриши ҳоллари ва ҳ.к.) бўйича – даволаниш тугагандан кейин ёки Суғурталанган шахсга ногиронлик гуруҳи белгилангач, лекин суғурта ҳодисасидан кейин 1 йилдан ошмаслиги лозим.

8.3. Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта таъминотини олиш учун Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши шарт:

а) ариза;

б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

в) суғурта полиси;

г) бахтсиз ҳодисани тасдиқловчи ҳужжатлар;

д) даволаш-профилактика муассасасининг бахтсиз ҳодиса натижасида беморни даволаш бўйича стационар ёки амбулатор тиббий картасидан кўчирма. Лозим бўлган ҳолда Суғурталовчи, суғурта таъминоти тўлаш масаласини ҳал қилиш учун, керак бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

8.4. Агар, Суғурталанган шахснинг бахтсиз ҳодиса натижасида кўриш, эшитиш, сийдик-жинсий органлари жароҳат олган бўлса, у Суғурталовчи томонидан жароҳат оқибатларини аниқлаш мақсадида врач кўригига юборилиши мумкин.

8.5. Суғурталанган шахснинг суғурта шартномаси амалда бўлган даврда бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши муносабати билан суғурта таъминотини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

а) Наф олувчи шахс томонидан – суғурта полиси, белгиланган шаклдаги (3-илова) ариза, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти), Суғурталанган шахснинг вафоти тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

б) Суғурталанган шахснинг ворислари томонидан (агар суғурта полисида Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса) – суғурта полиси, белгиланган шаклдаги ариза, Суғурталанган шахснинг вафоти тўғрисидаги нотариал тасдиқланган гувоҳнома нусхаси, ворисликни тасдиқловчи

нотариал тасдиқлаган (меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги) гувоҳнома ва ҳар бир вориснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

8.6. Суғурта ҳодисаси бўйича барча ҳужжатлар жамлангач, ушбу Қоидалар талабига биноан 15 кун ичида белгиланган тартибда суғурта таъминоти тўлаш ёки рад этиш тўғрисида Суғурталовчи томонидан қарор қабул қилинади.

8.7. Суғурталовчи суғурта таъминоти(пули)ни тўлашни рад этганда Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс/Наф олувчи) унга нисбатан судда даъво кўзғатиш йўли билан эътироз билдириши мумкин.

IX. Томонларнинг жавобгарлиги.

9.1. Олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки қониқарсиз бажарганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгарликка тортиладилар.

9.2. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаганда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчидан кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг 0,1% миқдориди пеня олишга ҳақли. Пенянинг миқдори ўз вақтида тўланмаган суғурта мукофотининг 20% дан ортиқ бўла олмайди.

9.3. Суғурта таъминоти ўз вақтида тўланмаганда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан кечиктирилган ҳар бир кун учун суғурта таъминотининг 0,1% миқдориди пеня олишга ҳақли. Пенянинг миқдори мазкур Қоидалар бўйича тўланадиган суғурта таъминотининг 20% дан ортиқ бўла олмайди.

9.4. Ушбу суғурта Қоидалари бўйича олган мажбуриятларини асоссиз равишда тўлиқ ёки қисман бажармай бузган томон иккинчи томонга тўлашдан бош тортган ёки бўйин товлаган тўлов пулининг 15% миқдориди жарима тўлайди.

X. Форс-мажор.

10.1. Форс-мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

10.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер силжиши, бўрон, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий –иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

10.3. Форс-мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

10.4. Агар форс-мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор ҳолати тугагандан сўнг давом эттирилади.

XI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

11.1. Ушбу Қоидалар асосида амалга ошириладиган суғурта бўйича келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви асосида, мақсадга эришилмаган ҳолда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

11.2. Мазкур Қоидаларда қайд этилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланадилар.

XII. Бошқа шартлар.

12.1. Суғурта шартномасида ва ушбу Қоидаларда келтирилмаган барча ҳолатларни ҳал этиш учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянадилар.

12.2. Суғурта шартномасига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.



KAFOLAT
sug'urta kompaniyasi